

## ПОПДА СЕЛ КЕЛДИ: АВТОМОБИЛЬ ЙҮЛИ ЗАРАР КҮРДИ


---



Жорийй ыйил 6 май куни соат 17:20 ларда Наманган вилояти Поп туманида сел келиши натижасида сув тошқини юз берган.

Бунинг оқибатида "4Р-112 Фарғона ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 14-15 км.ларида транспортлар харакати вақтинча чекланди.

Давлат аҳамиятдаги "4Р-112 Фарғона ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 14-15 км.лари оралиғида табиий оғат натижасида галарея сув ўтказувчи қувурига сув сиғмаганлиги оқибатида автомобиль йўлининг устки қисмидан сув тошиб ўтганлиги учун йўл ёқаларига қисман таъсир қилган.



"4Р-112 Фарғона ҳалқа йўли" автомобиль йўли вактинча ёпилганлиги сабабли автотранспорт воситалари 4Р-215 "Пунгон қ.-Ғурумсарой қ.-Поп ш." ҳамда 4Р-126 "Балиқчи қ. – Мингбулоқ қ. – Найман қ. – Пунгон қ" автомобил йўллари орқали "4Р-112 Фарғона ҳалқа йўли"га айланиб ўтиши таъминланган.



Айни пайтда йўлсозлар томонидан автомобиль йўлларининг сел оқибатида зарар кўрган қисмларида қайта тиклаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда ва қисқа муддатда транспортлар харакати қайта тикланади.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Матбуют хизмати